

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

«SEMURG SUG'URTA» aksiyadorlik  
jamiyati qo'shma korxonasi

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги

Кузатув кенгаш аъзоси

Вазир ўринбосари

Ш.А.Вахабов

О.Р.Исаков

2022 йил «08» июнь 3-сон

2022 йил «30» июн P0951-2 - сон

М.Ў.

**АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР**  
**«SEMURG SUG'URTA» aksiyadorlik jamiyati qo'shma korxonasi**

Идентификация рақами берилди:	R	U	1	0	2	P	0	9	5	1	W	U
----------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 2 000 000 (икки миллион) дона оддий акциялар.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар очик обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши иккинчи чиқарилишдир.


Тасдиқланган: «SEMURG SUG'URTA» aksiyadorlik jamiyati qo'shma korxonasi Кузатув кенгашининг 2022 йил «08» июндаги 3-сонли баённомаси, «SEMURG SUG'URTA» aksiyadorlik jamiyati qo'shma korxonasi Кузатув кенгашининг 2022 йил «08» июндаги 3-сонли баённомаси асосида.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100015, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 50.

Мулоқот телефони: (+99871) 205-11-55. Электрон почта манзили: info@semurgins.uz

Бош директор

Бош бухгалтер в.в.б.



И.Ш.Абдукаҳхаров

Л.Р.Муртазаева

2022 йил «08» июнь

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури: оддий.
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз.
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати: 5 000 (беш минг) сўм.
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони: 2 000 000 (икки миллион) дона.
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми: 10 000 000 000 (ўн миллиард) сўм.

**6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:**

Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари қўйидагилардан иборат:

- жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улushга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- акциядорлар қонунчилиқда ва жамият Уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

**7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:**

Жамият Устави ва акцияларни қўшимча чиқарилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ жамият акция эгалари ўзларида мавжуд бўлган жамиятнинг оддий акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда ўз улушларини сақлаб қолиш мақсадида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланган ҳолда қўшимча оддий акциялар сотиб олиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг акциялар рекламадан фойдаланган ҳолда чекланмаган миқдордаги инвесторлар ўртасида очик обуна усулида жойлаштирилади.

**8. Жамият устав капиталининг миқдори:** 35 000 000 000 (ўттиз беш миллиард) сўм.

**9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони:** Жамият томонидан жами 7 000 000 (етти миллион) дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акциялар жойлаштирилган.

**10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):**

Илгари облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.

**11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.**

**11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):**

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият акциядорларига имтиёзли олиш ҳуқуқини тақдим қилган ҳолда очик обуна усули билан жойлаштирилади.

**11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:**

**Акцияларни жойлаштириш муддати:**

Акциялар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида рўйхатга олинган санадан бошлаб 365 кун ичида жойлаштирилади.

**Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси:**

Акциялар қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот эълон қилинган кундан эътиборан 15 (ўн бешинчи) кун, бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма

равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунида, лекин қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги белгиланган тартибда ошкор қилинганидан кейин камида икки ҳафта ўтгач бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунида бошланади.

Жамият Корпоратив ахборотнинг ягона порталига ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) ва жамиятнинг расмий веб-сайтига ([www.semurginsuranc.uz](http://www.semurginsuranc.uz)) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги 44-модда олтинчи қисмининг “б” кичик бандида кўрсатилган акциялар қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот ошкор қилади.

#### **Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси:**

Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни якунланиш санаси, мазкур чиқарилиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.

#### **11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:**

Ушбу чиқарилишидаги акциялар имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, жойлаштирилмаган акциялар очик обуна орқали сони чекланмаган инвесторлар ўртасида ташкил этилган қимматли қоғозлар савдо ташкилотчиси “ELSIS-SAVDO” акциядорлик жамияти орқали жойлаштирилиши амалга оширилади.

Бунда акцияларни жойлаштириш бўйича битимлар ташкил этилган қимматли қоғозлар савдо ташкилотчисининг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Жамият томонидан ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи “НВCapital” Масъулияти чекланган жамияти инвестиция воситачиси - қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчини (андеррайтер) жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

#### **Андеррайтер тўғрисида маълумотлар:**

- тўлиқ номи: “НВCapital” Масъулияти чекланган жамияти;
  - қисқартирилган номи: “НВCapital” МЧЖ;
  - жойлашган жойи: 170119, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 53-уй;
  - профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисида маълумот: инвестиция воситачиси сифатида Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорларини ривожлантириш Агентлиги томонидан 2020 йил 25 майда берилган 1399-сонли муддатсиз лицензия.
- Жамият ва акцияларни жойлаштириш бўйича андеррайтер ўртасидаги тузилган шартномага мувофиқ қўйидагилар андеррайтернинг асосий вазифаларига киради:
- эмитент билан биргаликда акцияларни чиқариш ва жойлаштиришнинг мақбул тузилмасини шакллантириш;
  - инвестиция меморандумини тузиш ва инвесторларга тақдим этиш;
  - андеррайтерлик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ жамият акцияларини жойлаштириш;
  - акцияларни жойлаштиришдан олинган маблағларни жамиятга тўлаш;
  - ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш, қонун ҳужжатларига мувофиқ сони чекланмаган инвесторлар ўртасида жойлаштирилишини амалга ошириш.

Ушбу шартномада, шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни андеррайтер томонидан ўз ҳисобидан олинини, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби назарда тутилмаган.

**11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:**

**Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳақида маълумот:**

- тўлиқ номи: “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси;
- ташкилий ҳуқуқий шакли: давлат унитар корхонаси;
- жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустакиллик шоҳ кўчаси, 107-уй;
- почта манзили: 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустакиллик шоҳ кўчаси, 107-уй;
- телефон: (71) 267-37-42.

**Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ҳақида маълумот:**

- тўлиқ номи: “НВCapital” Масъулияти чекланган жамияти;
- ташкилий ҳуқуқий шакли: масъулияти чекланган жамияти;
- жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 53-уй;
- почта манзили: 170119, Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 53-уй;
- телефон: (74) 234-35-39.

**11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:**

Жамият акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланган жойлаштириш нархи бўйича олишни томонидан белгиланган жойлаштириш нархи бўйича таклиф этиши шарт.

Билдириш матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган пайдан эътиборан 20 (ийгирма) кун давомида амал қилади. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги, яъни 2022 йил 08 июнь кунги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида жамиятга тақдим этилиши керак.

Жамият имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар акцияларни уларни олиш бўйича имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларга жойлаштиришга ҳақли эмас.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган тартибда жамият томонидан реализация қилинади.

Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

**11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:** Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси: 5 000 (беш минг) сўм.

### **11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:**

Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби амалдаги қонунчилик ҳамда ташкил этилган қимматли қоғозлар савдо ташкилотчисининг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан, Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмда амалга оширилади. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан юридик шахслар учун нақдсиз шаклда, жисмоний шахслар учун нақд ва нақдсиз шаклда амалга оширилади.

Акциялар жойлаштириш бўйича тузилган битимлар натижаларида акциялар учун пул маблағлари жамиятининг қуйидаги банк ҳисоб рақамига қабул қилинади:

- ҳисоб рақами: 2021 4000 9052 0466 7001;
- банк номи: «Асакабанк» АЖ Шайхонтохур филиали;
- банк коди: 00969;
- банк манзили: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Фуркат кўчаси, 9-уй.

Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни жойлаштириш муддати ичида тўлиқ ҳақ тўланиши лозим.

### **11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:**

Ушбу қўшимча акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қуйидагича амалга оширилади:

- жамият томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот (Қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топиш 28-рақамли муҳим факти) жамият расмий веб-сайтида ([www.semurginsurancce.uz](http://www.semurginsurancce.uz)) ва Корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) ошкор этилади;

- акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган санадан икки иш куни ичида “Бизнес-Daily Медиа” Нашриёт уйи Масъулияти чекланган жамиятга тегишли Biznes Daily «Биржа» газетасида эълон қилинади;

- акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган санадан сўнг 10 (ўн) кун ичида акциялар учун тўланган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда инвесторларга қайтарилади.

### **12 Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:**

Акциялар қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда Корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) ва жамият расмий корпоратив веб-сайтида ([www.semurginsurancce.uz](http://www.semurginsurancce.uz)) ошкор қилинади.

Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласининг асл нусхалари билан Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Содик Азимов кўчаси, 50-уй манзилида, хафтанинг иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача бўлган вақт давомида танишиш чиқиш мумкин.

Телефон: (71) 205-11-55. Электрон почта манзили: [info@semurgins.uz](mailto:info@semurgins.uz).

Акцияларни қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор нусхаларини манфаатдор шахслар жамиятга ёзма ёки электрон почта орқали мурожаат қилиб олишлари мумкин.

### **13. Бошқа маълумотлар.**

Бошқа маълумотлар кўзда тутилмаган.